## 6. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ушбу шартномада белгиланган газ ҳажмидан ортиқча сиқилган табиий газни танлаш қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

6.2. Сиқилган табиий газни тўлаш мажбуриятларини таъминлаш мақсадида, томонлар тегишли равишда ижро кафолат мажбуриятини, нотариал идораси томонидан тасдиқланган кафил таъминлаш учун "истеъмолчи" талаб қилиши мумкин қарздорнинг активлари, ёки "етказиб берувчи" гаров ҳақида қўшимча битим тузиш ҳуқуқига эга.

6.3. Етказиб берилган газ учун тўловларни амалга ошириш муддатлари кечиктирилган тақдирда айбдор тараф иккинчи тарафга мажбурият бажарилиши кечиктирилган ҳар бир кунга 0,3 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеня миқдори асосий қарзни 30 фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

6.4. "ИСТЕЪМОЛЧИ"га сиқилган табиий газ етказиб бериш шартлари бузилган тақдирда етказиб берилмаган маҳсулот суммасининг 0,3% миқдорида, лекин 30% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима солинади.

6.5. Бошқа ҳолларда тарафлар шартномавий мажбуриятларин бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда мулкий жавобгар бўладилар.

## 7. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА МИҚДОРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1."ТАЪМИНОТЧИ" томонидан етказиб бериладиган сиқилган табиий газ сифати амалдаги давлат стандарти (ГОСТ,ТУ) талабига жавоб бериш лозим ва бу хақида “ИСТЕЪМОЛЧИ”га махсулот сертификатидан нусха берилади.

## 8. ФОРС МАЖОР

8.1."ТАЪМИНОТЧИ" ва "ИСТЕЪМОЛЧИ" газни етказиб бериш ва қабул килишни қисқартириш хукуқига эга ва қуйидаги ҳолларда бунга жавобгар эмас:

а) олдиндан кўзда тутилмаган ҳолатлар туфайли вужудга келган магистрал газ қувурлари, шаҳар газ ва электр тармоқлари конларидаги авариялар пайтида;

б) ёнғинлар, зилзилалар, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар пайтида;

в) магистрал газ қувурларини, шаҳар газ ва электр тармоқларини тегишли синовларни кейинги капитал таъмирлаш, шунингдек пайвандлаш ишларида.

## 9. ШАРТНОМА МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

9.2. Шартнома икки нусхада, "ТАЪМИНОТЧИ" учун бир нусхада ва "ИСТЕЪМОЛЧИ" учун ушбу битимларда назарда тутилмаган масалалар бўйича томонлар амалдаги қонунчиликга асосан “истеъмолчиларга магистрал газ қувурлари орқали газ етказиб бериш қоидалари" ва тасдиқланган «тарқатмаларга мувофиқ ёнилғи қуйиш учун суюлтирилган ва сиқилган табиий газни чиқариш тартиби".

9.3. Шартнома тарафларни келишуви билан ёхуд Фукаролик кодексининг 282-383-моддаларида кўзда тутилган шартлар асосида бекор қилиниши, шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мумкин. Шартномага киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда қўшимча битим сифатида расмийлаштирилади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланиб, тарафлар учун бажариш мажбурийдир.

## 10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1.Тарафлар ўртасида вужудга келган ва келишув асосида ҳал қилиб бўлмаган барча низолар туманлараро иктисодий суди орқали ҳал этилади.

## 11.ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| “ТАЪМИНОТЧИ” | “ИСТЕЪМОЛЧИ” |
|---|---|
| «RAHMATILLO MUSAFFO FAYZ» ҲК | Корхона Фарғона в. 2-сон тум. ФО. дис. |
| Марғилон шахар Шокиржонов кўчаси 38 уй | Манзил Марғилон ш. Навбаҳор к 22 уй. |
| СТИР: 302383504 | СТИР 200140034. |
| ЧЭКИ АТБ «Ҳамкорбанк» Марғилон филиали | Банк шхв: 4003218603041 270732010584001. |
| ХР 20208000804997419001 МФО 00991 | МФО Молия бош. Ғаз: 23402000300100001010. |
| Телефон: 99878 229-77-97 | Раҳбар МФО - 00014. Марғ. Банк Бош. |
| Раҳбар ______ А.Абдуллаева | Телефон: +998 235-28-21. ИНН - 201122919. |
| М.Ў. | М.Ў. Бош врач: Хандтаев А. |

Келишилди: Садиқов А.